# Хабар خبر

XABAR

*Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри*

**1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1997 йил, 25 апрель № 17 (245) ●** Сотувда нархи эркин



***Ўз касбининг фидойиси Любов ИВАНОВА салкам 30 йилдан буён Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмасида самарали меҳнат қилиб келмоқда.***

***Суратқаш Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ***

## РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Яқинда «Алоқаинвест» ҳиссадорлик жамияти ҳиссадорларининг анжумани бўлиб ўтди. Анжуман қатнашчилари «Алоқаинвест» ҲЖ бошқаруви раиси А. Т. Тоғайалиевнинг 1996 йил иш якунлари ва жорий йилда амалга ошириладиган вазифалар тўғрисидаги ҳамда жамият тафтиш комиссияси, кузатув кенгашларининг ҳисоботларини тинглашди.

Утган йили «Алоқаинвест» ҲЖ белгиланган ишларни амалга оширишн натижасида асосий ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятини янада жонлантирилиши ва қурилиш иншоотларида иш ҳажмининг ўсишига эришилди. Жумладан, 1996 йили 608 миллион сўмдан ортиқ ишлар бажарилди, бу 1995 йилги кўрсаткичга нисбатан 2,4 маротаба кўп демакдир. Асосий иншоотлардан бири бўлган ТОЕ магистрали қурилиши бўйича 630 километрга шиша толали кабель ётқизилди, 8100 рақамга мўлжалланган АТС бунёд этилди, шунингдек, бир қатор шаҳарларда кабель линияларидаги ишлар бажарилди. Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи ва Қўнғиротдаги сода заводида телефонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

«Алоқаинвест» ҲЖ ўтган хўжалик йилини 206 миллион сўмлик фойда билан якунлади, рентабеллик эса 28,7 фоизни ташкил этди. Жамият ҳиссадорлари олинган фойдани тақсимлаш ҳақида қарор қабул қилишди. Жумладан, фойданинг 116 миллион сўми дивидендлар тўлашга сарфланади. Анжуманда жамиятнинг давлатга қарашли бўлган 26 фоиз акциясини Алоқа вазирлигига сотишга қарор қилинди. Шунингдек жамият ҳиссадорлари йиғилишида бунёдкорлик ишларини янада ривожлантириш, режадаги асосий иншоотлар қурилишини ниҳоясига етказиш, молиявий-хўжалик ишларини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар белгилаб олинди. Шунингдек, анжуманда жамият Низомига баъзи ўзгартиришлар киритилди ҳамда кузатув кенгаши аъзоси этиб 7 киши сайланди. «Алоқаинвест» ҲЖ бошқаруви раиси этиб яна А. Т. Тоғайалиев сайланди.

Анжуман ишида Алоқа вазири ўринбосари Ш. Ш. Обидхўжаев, «Ўзбектелеком» концерни раиси Т. М. Бикметов қатнашди.

***А. КУДИНОВ***

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

**•Янгиликлар•Воқеалар •Хабарлар**

● **Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Президент Ислом Каримов номига АҚШ, Бирлашган Араб Амирликлари, Иордания, Марокаш, Уммон, Гамбия, Озарбайжон ва бошқа давлат ҳамда ҳукумат раҳбарларидан самимий қутловлар олинди.**

● Президент Ислом Каримовнинг Фармони билан Шуҳрат Қобилов Ўзбекистоннинг Покистондаги элчиси этиб тайинланди ҳамда унга биринчи даражали Фавқулодда ва Мухтор вакил дипломатик мартабаси берилди.

● **24 апрель куни Тошкентда Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси иш бошлади.**

● Тошкентдаги Олимпия шон-шуҳрати музейида америкалик таниқли таэквандочи, машҳур спорт устаси Брюс Лининг устози ва дўсти жаноб Жон Ри билан учрашув бўлди.

● **Самарқандда Марказий Осиёда биринчи бўлиб «Коском» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасининг уяли телефон станцияси ишга тушди.**

● Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаевнинг Кавказорти мамлакатлари бўйлаб сафари бошланди. У Озарбайжон, Арманистон ва Грузияга ташриф буюриб, ушбу давлатлар раҳбарлари билан иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, ўзаро сармояларни ҳимоя қилиш, халқаро транспорт ва коммуникацияга доир музокаралар олиб боради.

● **Россия Бош вазири Виктор Черномирдин Чехияга расмий ташриф буюриб, Чехия раҳбарияти билан икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ҳамда минтақавий хавфсизлик масалаларини муҳокама этди.**

● Ироқ маъмурлари сунъий йўлдош орқали телевидение кўрсатувларини қабул қиладиган антенналарни йиғиштириб олишга киришдилар. Аҳоли Ироқ тўғрисида бошқа мамлакатларда тарқатилаётган кўрсатувларни кўрмасликлари учун шундай қилинди.

● **АҚШ Президенти Билл Клинтон Фаластин раҳбари Ёсир Арофатга йўллаган мактубида Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш юзасидан музокаралар давом эттирилишини кафолатлашини маълум қилди.**

## ҒАМХЎРЛИКНИНГ ҚАДРИГА ЕТА ОЛАМИЗМИ?

***Шу йилнинг бошида Алоқа вазирлигининг ҳайъат йиғилишида Тошкент электротехника Алоқа институти ётоқхонасидаги шарт-шароитлар хусусида кескин, танқидий фикрлар билдирилган эди.***

***Ана шу мажлисдан кейин республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг ташаббуси билан бир қатор почта алоқаси ва электралоқа корхоналари томонидан 9 миллион, Алоқа вазирлиги томонидан эса 7 миллион сўм институт ҳисобига ўтказилди.***

Яқинда институтнинг хўжалик ишлари бўйича проректори Набихўжа Ёдгоров ва институт касаба уюшмаси раиси Тўлқинжон Тешабоевлар ҳамроҳлигида мазкур билим даргоҳи ётоқхоналарининг «В» қисмида таъмирлаш ишлари қандай бораётгани билан танишдик.

Усталар ётоҳхонани таъмирлаш ва айрим хоналарни янги шаклга келтириш билан банд. Бу ерда пайвандлашдан то пардоз-андоз ишларигача бажариляпти. Янги шакл деяпмиз, чунки бинонинг ички қисми аввалги андозасидан анча фарқ қилади. Чиқинди сувлари оқиб, пастки қаватларнинг ифлосланишига сабаб бўладиган душ, кир ювиш хоналари учун биринчи қаватдан алоҳида жойлар ажратилган. Эндиликда тикув, дазмол қилиш хоналари ҳам биринчи қаватда бўлади. Қолган қаватларнинг ҳар бири 25 нафар талабага мўлжалланган бўлиб, жами 200 нафар талабага хизмат қилиши кутиляпти. Айни пайтда тўққизинчи қават таъмирдан чиққан. Хоналарга қўшимча иситгичлар ўрнатилган. Деворлар оқланиб, эшик-ромлар бўялган... Керакли жиҳозлар деярли тахт, таъмирланган хоналар зарур ашёлар билан жиҳозланади.

Тасаввур қилинг, хонага гилам тўшалган, деразада парда, деразанинг ён қисмида замонавий стол-стул, стол ёритгич, эшикнинг чап тарафида шкаф ва ўнг томонида тошойна. Булар талабанинг мулки. Шунингдек, ётоқхонанинг дам олиш хоналарида телевизор, ошхоналарга катта ҳажмдаги иккитадан электро плита, 50 дона дазмол, 25 та дазмол столи, қолаверса, 10 та тикув машинаси ҳам сотиб олинган. Хоналарга радио ўрнатилади.

— Таъмирлаш ишлари қачон тугайди-ю, ётоқхона қачон фойдаланишга топшириладп? — саволга тутаман ҳамроҳларимни.

— Усталар июль ойида барча ишларни якунлайди, — дейди институтнинг хўжалик ишлари бўйича проректори Набихўжа Ёдгоров, — сўнгра бир ой давомида ётоқхонани жиҳозлаймиз. Янги ўқув йилидан бошлаб талабаларни қабул қиламиз. Аммо, ётоқхонага қабул қилинган талабаларнинг тартиб-интизомга кўпам риоя қилавермаслиги бизни ўйлантиради...

Дарҳақиқат, таъмирланган ётоқхонанинг ночор аҳволга келиб қолишида талабаларнинг ҳам «қўли» бор, албатта. Узоққа бормаймиз, айнан институт ётоқхонасининг 9-қаватли «Б» қисми ўтган 1996 йилнинг июль ойида тўла-тўкис таъмирланган эди. Ҳозир эса яна таъмирталаб.

Ётоқхонанинг баъзи қаватлари деворидан сизиб ўтаётган сувни юқори қаватдаги кирхонадан нотўғри фойдаланиш натижаси дейиш мумкин. Бироқ деворларга ўйиб ёзишу, мавжуд жиҳозларнинг яроқсиз ҳолга келтирилишини қандай тушуниш керак? Очиғини айтиш жоиз, баъзи талабалар ўзимники-ўзимизники, деб эмас давлатники, бузилса давлат тузатади, деган ақида билан яшайдилар. Кўра-била туриб, Алоқа институтининг айрим талабалари ўз сабоқдошларини, келгусида институтда таҳсил олишга келган укалари, сингилларини ноқулай шароитда яшаб, ўқишга мажбур қилаётганликларини билишармикан?

Хуллас, ётоқхонада таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилади, камчиликлар тузатилади, зарур шарт-шароитлар яратилади. Ёшларга ғамхўрлик қилинади, чунки ёшлар миллат келажаги. Лекин, тилагимиз шуки, талабаларимиз бу ғамхўрликнинг қадрига етиб, «талаба» деган шарафли номга лойиқ бўлсинлар.

***Нурилла НАРЗУЛЛАЕВ***

• Муаммо • Мулоҳаза

# ЯХШИ ОТГА БИР ҚАМЧИ...

**ёки Меҳнатобод тумани алоқа корхоналари аҳволига бир назар**

## ҲАММАСИ МАБЛАҒГА БОҒЛИҚМИ?

Меҳнатобод туман электралоқа ва почта алоқа боғламаси туман ҳокимлигига яқинроқ бинода жойлашган. Дастлаб туман электралоқа корхонаси — «Сирдарётелеком» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг Меҳнатобод тумани бўлими идорасида бўлиб, корхона раҳбари билан учрашиш ниятида унинг иш кабинети томон йўл олдим. Хона эшиги очиқ, аммо кабинетда ҳеч ким йўқ эди. Бошлиқ келгунча корхонада ишчи-хизматчиларга қандай меҳнат шароитлари яратилганини билиш учун хоналарни бирма-бир кўздан кечирдим. Мен кузатган иш кабинетларининг деярли барчаси, баъзи алоқа асбоб-ускуналарини ҳисобга олмаганда, ночор аҳволда эди. Ҳатто бир-иккита хоналар бўм-бўш турибди. Сўзлашув масканидаги эски коммутатор аппарати, битта сим кароват, стол-стул, битта электр иситгич бу хонанинг бор бисотию «кўрки» экан. Коммутатор ходималарининг устида махсус иш кийими ўрнига одатдагидек кўча-кўйда кийиладиган либослар. Мен хизмат сафарида бўлган кунлар ёмғир ёғиб, ҳаво совуқроқ эди. Шу боис телефончи қизлар электр иситгичдан фойдаланишаётган экан. Баҳор кунларида мана шундай электр иситгичдан фойдаланаётган алоқачилар қишнинг аёзли кунларини қандай ўтказишар экан?

Газетадан келганлигимни билган телефончи қизлар аввалига бироз ўйланиб туришдида, сўнгра дадил суҳбатлаша бошладилар. Телефончи Гулсарахон Халилова мазкур корхонада 1982 йилдан буён меҳнат қиларкан.

— Иш ҳақимизни кечикиб бўлса-да оляпмиз, — деди опа. — Мижозлар ҳам келиб туришибди. Уларга яхши хизмат қилишга интиламиз. Аммо биз учун энг зарур бўлган штепсель, бланкалар етишмайди...

Мижозлар сўзлашадиган хонани ҳам кузатдим. Мазкур хонанинг кириш қисмида ўрнатилган эшикнинг бир табақаси йўқ. Сўзлашув хонасида иккита «будка» бўлиб, фақат биттасининг «пешонаси»га ягона телефон аппарати битган экан. Иккинчи «будка» эшигининг ойнаси синган, хонада мижозлар учун ўриндиқ ҳам йўқ. Хонанинг ташқи қисми билан танишаётганимда сўзлашув масканига бир мижоз ташриф буюрди. Чамаси, 10 дақиқа ўтар-ўтмас бу ердан хуноби ошиб чиқди ва менга рўбарў келди. «Папка кўтариб олганингиздан, менимча, «юқори»дан келганга ўхшайсиз ука» дея ҳол-аҳвол сўрашиб, ўзини таништирди. У кишининг исму шарифи Расул Узоқов бўлиб, туманнинг Эргаш Қаҳҳоров номли ширкатлар уюшмасида механизатор бўлиб ишлар экан. Расул ака азбаройи зарурат юзасидан туман марказига келиб, Андижоннинг Хонобод шаҳрига телефон қилмоқчи экан. Аммо иши битмай қолди. «Энди Янгиер шаҳрига бориб, қариндошларга қўнғироқ қиламан» дединоилож қолган Расул ака. Туманда Расул акадек овораю-сарсон бўлаётган мижозлар яна қанча экан?

«Сирдарётелеком» ҳиссадорлик жамияти Меҳнатобод тумани бўлими директори Нуралихон Исахонов билан учрашганимда у мазкур корхонага икки йилдан буён раҳбарлик қилаётганлигини айтди.

— Туман миқёсида тармоғимизда таъмирлаш ишларини ўтказишимиз, меҳнат шароитларини яхшилашимиз керак. Бунинг учун маблағ зарур, — деди Н. Исахонов.

— Қўшимча хизмат турлари ташкил қилиб молиявий масалаларни ҳал қилиш мумкин эмасми? — дея ёш раҳбарни саволга тутаман.

— Мижозлардан телефон ҳақини ундира олмаяпмизу, қўшимча хизмат дейсиз-а, — гапида давом этади суҳбатдошим. — Ҳозир «уйимга телефон ўрнатиб беринг» мазмунидаги илтимосномалар ўрнига, аксинча, «хонадонимизга ўрнатилган телефонларни бекор қилиб беринглар» деган аризаларни кўплаб оляпмиз...

Нурали Исахонов тилга олган барча муаммоларнинг ечими маблағга бориб тақалаверди...

## «ҚАҲРАМОН»НИНГ НИМАСИ ҚАҲРАМОН?

Хизмат сафари давомида Меҳнатобод туман почта алоқа корхонасида ҳам бўлдик. Негадир бу корхонанинг номи «Қаҳрамон» почта алоқа боғланмаси» деб юритиларкан. Катта ҳарфлар билан битилган бу ёзувни биз негадир корхона идорасининг ичкарисида учратдик. Бу ердаги аҳвол ҳам электралоқа корхонасидаги ҳолатдан деярли фарқ қилмайди. Хоналардан чакка ўтиб ётибди. Ҳатто боғлама бошлиғи Уришали Аҳмедов хонасининг бурчакларини чакка сувлари «обод» қилиб, «ювиб» қўйибди.

Боғлама раҳбарини учрата олмадик. Сабаби — Ўришали ака биз борган кунлари даволанаётган экан. Мазкур почта боғламасида ҳам почтачиларнинг махсус иш кийимида хизмат қилишаётганларини кўрмадик. Идорага кираверишда иш тартиби жадвали кўринарсиз жойга осиб қўйилган. Хона ичкарисидаги эълонлар тахтасидаги буйруқлар эскирган. Тўғри, бу ерда иш йўриқнома ва кўрсатмалари тартиб билан деворларга осилган. Аммо, хоналарда файз йўқ.

Боғлама ҳовлисидаги ерлар ўзлаштирилмаган. «Корхона жойлашган майдон остидан кабель линиялари ўтказилгани боис экин экиб бўлмас» эмиш. Хўп, ҳайҳотдек ҳовлига илдизи ер остига чуқур кетадиган дарахтлар ўрнига турли хил гул кўчатлари ўтқазилса бўлмасмикин?..

## СЎНГГИ СЎЗ

Юртбошимиз ташаббуси билан 1997 йил Инсон манфаатлари йили деб эълон қилинди. Шу боис ҳам биз Меҳнатобод тумани алоқа корхоналари ишчи-хизматчилари учун яратилган шарт-шароитларга кўпроқ қизиқдик. Тўғри, ҳар икки алоқа корхонасида кўпчилик ходимларга қўшимча даромад қилиш учун 25 сотиҳдан ер берилган. Электралоқа боғламаси ходимларига иқлим шароити ва бошқалар ҳисобга олиниб, қўшимча пул ҳам тўланар экан. Почтачиларнинг оғирини енгил қилишда эса «Дамас» русумли автомашина «елиб-югуриб» хизмат қиляпти.

Маълумки, Меҳнатобод тумани чўл ҳудудида жойлашган. Ёзда бу ерларда жазирама иссиқ, қишда эса изғирин бўлади. Мана шуларга эътибор бериш, хоналарга кондиционерлар ўрнатиш ҳеч кимнинг хаёлига келмайди.

Меҳнатобод тумани электралоқа ва почта алоқа боғламалари аҳолига хизмат кўрсатиш борасида Сирдарё вилоятидаги қолоқ боғламалардан бири экан. Бу ерда иш сифати ҳам жуда паст. Балки мазкур корхоналар раҳбарларида ташкилотчилигу-ташаббускорлик етишмас. Аммо Сирдарё вилояти почта алоқа корхонаси бошлиғи Мукамбар Эргашевна Қиличева ва «Сирдарётелеком» ҳиссадорлик жамиятининг раиси Валерий Владимирович Хамни кўпчилик тиниб-тинчимас, ташкилотчи раҳбар сифатида яхши билишади. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан вилоят почта корхоналари учун 13 та беминнат дастёрлар — «Дамас» русумли автомобиллар олинди. Жанубий кореялик ҳамкасблар билан ҳамкорликда замонавий алоқа тизимлари жорий қилинди, маҳаллий мутахассисларнинг малакасини оширишга катта эътибор беріляпти. Вилоятнинг Гулистон, Бахт, Янгиер каби шаҳарларидаги аҳолига кўрсатилаётган алоқа хизматини кўриб бир қувончингизга минг қувонч қўшилади. Бироқ Меҳнатободдаги алоқа хизматини кўриб афсусланмай илож йўқ.

Вилоятдаги алоқа корхоналари раҳбарлари мақолада тилга олинган масалаларга эътибор бериб, зарур чора-тадбирларни кўрадилар деб умид қиламиз.

***Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ,***
***«Хабар»нинг махсус мухбири,***
***Сирдарё вилояти***

# ТАЙИНЛАШ



Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги билан келишилган ҳолда «Ўзбекистон почтаси» концерни буйруғига асосан Музаффар Нарзуллаевич ХАЙРУЛЛАЕВ Жиззах вилояти давлат почта алоқа корхонасининг бошлиғи этиб тайинланди.

Музаффар Нарзуллаевич Хайруллаев 1961 йили Жиззах шаҳрида туғилган. 1978 йили ўрта мактабни битириб, Тошкент политехника институти Жиззах филиалининг саноат ва граждан қурилиши факультетига ўқишга кирди. 1983 йили ушбу институтни битириб, Жиззах уй-жой қурилиши комбинатининг техника назорати бўлимига бош муҳандис вазифасига тайинланди. 1984-1985 йиллари Армия сафида хизматда бўлди. 1985-1987 йиллари Жиззах қурилиш трестига қарашли кўчма жамланмада уста бўлиб ишлади.

1992 йилдан 1994 йилгача вилоят ҳокимлигида турли вазифаларда, 1994 йилдан 1996 йилгача Арнасой тумани ҳокимининг ўринбосари ва 1996 йилдан ҳозирги кунга қадар Жиззах шаҳар ҳокимининг ўринбосари лавозимида хизмат қилди.

Музаффар Хайруллаев ҳокимликда ишлаган даврида почта соҳасига бевосита раҳбарлик қилди, почта муаммоларини ҳал қилишда, унинг моддий-техника негизини яратишда алоқачиларга яқиндан ёрдам бериб келди. Оилали, тўрт нафар фарзанди бор.



Андрей Юрьевич ПАВЛЕНКОВ «Тошкент таксофони» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида акциядорларнинг умумий йиғилишида директор этиб сайланди.

Андрей Юрьевич Павленков 1962 йили Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган, рус, маълумоти олий — 1985 йили Тошкент электротехника Алоқа институтини битирган. Меҳнат фаолиятини 1979 йили заводда йиғувчи-чилангарликдан бошлаган. 1980 йилдан 1985 йилгача Тошкент электротехника Алоқа институтида таҳсил олган. Сўнгра 1985 йили Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги таксофон участкасида етакчи муҳандис бўлиб ишлаган. 1994 йили таксофон корхонасида бошлиқ ўринбосари, 1995 йилдан то ҳозирги вазифага сайлангунга қадар корхонанинг бош муҳандиси эди. Оилали, икки нафар фарзанди бор.

# УНВОН МУБОРАК!

Бундан 50 йил муқаддам Ярославль вилоятининг Сопелки номли қишлоғида деҳқончилик билан шуғулланувчи Сергей оиласида бир қизча дунёга келди. Унга Екатерина деб исм қўйдилар. Тақдир тақозоси билан шу жажжи қизчадан бир неча йиллардан кейин Ўзбекистон алоқачилари яхши билган, уларнинг ҳурмат ва эътиборини қозонган, республика почтаси ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган, Намангандек катта бир вилоят почтасининг раҳбарларидан бири бўлган инсон етишиб чиқди.

У қишлоқнинг бошқа болалари қатори мактабга кириб ўқиди. Еттинчи синфдан кейин ёғочни қайта ишлаш комбинатида оддий ишчи бўлиб ишлади, кечқурунлари эса ишчи ёшлар мактабида ўқишни давом эттирди. 1967 йили унинг ҳаётида муҳим ўзгариш рўй берди, у турмуш қуриб, қайлиғи билан Наманган шаҳрига кўчиб келди, кейинги ҳаётини почта соҳасига бағишлади.

1968 йилдан бошлаб шаҳар алоқа бўлимида сараловчи, оператор, алоқа бўлими бошлиғи бўлиб ишлади. 1974 йилдан Наманган вилояти алоқа бошқармаси тажрибахонасида муҳандис, почта бўлимида катта муҳандис, тажрибахона бошлиғи, почта бўлими бошлиғи вазифаларида ишлади.

Екатерина Сергеевна АНТОНОВА 1981 йилдан то ҳозирги кунга қадар Наманган алоқа бошқармасида, кейинчалик почта алоқаси электралоқадан ажралиб чиққандан сўнг вилоят почта корхонасида бошлиқ ўринбосари вазифасида ишлаб келмоқда.

Бу вазифаларда ишлаш, оилавий ҳаётнинг икир-чикирлари кўп вақтни олсада, тиниб-тинчимас Екатерина ўз малакасини оширишга ҳам вақт топди. У Тошкент политехника институтини, 1993 йили Тошкент электротехника Алоқа институтини сиртдан тугатиб, юқори малакали мутахассис бўлди.

Маълумки, почта хизмати мураккаб, сермашаққат, аммо халқимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган соҳадир. Ишончим комилки, бу соҳани танлаган кўпгина инсонлар почта хизматида бойлик орттириш учун эмас, балки халқимизга сидқидилдан хизмат қилишни ният қилган фидойи инсонлардир. Екатерина Сергеевнани ҳеч иккиланмай ана шундай фидойи инсонлардан деб биламиз. У малакали мутахассис, моҳир раҳбар, ёшларга жонкуяр, меҳрибон мураббийдир.

Наманган вилоят почтасининг кўплаб кўрсаткичлар бўйича эришган ютуқлари асосан Екатерина Сергеевнанинг ғайрати, тажрибаси, соҳа муаммоларини яхши билиши ва уларни ҳал қила олиши натижасидир десак муболаға бўлмайди. Унинг кўп йиллик меҳнати Алоқа вазирлиги томонидан муносиб тақдирланди, унга «МОҲИР АЛОҚАЧИ» фахрий унвони берилди.

Барча алоқачилар номидан Екатерина Сергеевна Антонованидан ҳам таваллуд топган куни билан, ҳам юксак унвон билан чин кўнгилдан табриклаймиз.

У кишига сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат, соҳа равнақи йўлидаги ишларида янги зафарлар тилаб қоламиз.

***Абдусаттор ОРТИҚОВ,***
***жамоатчи мухбиримиз***

# ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕРМАНИЯ ТЕЛЕКЎРСАТУВИ

***Яқинда «Немис тўлқини» Тошкентдаги «Камалак-ТВ» қўшма корхонасига ўз декодерини тақдим этди. Натижада Тошкент ва пойтахт вилоятидаги мазкур студия мижозлари 24 соат давомида Германия телекўрсатувларини томоша қилиш имкониятига эга бўлишди.***

Декодер немис техниклари томонидан «Камалак-ТВ» узатиш марказида ўрнатилиб, ўтган шанбада синов кўрсатувлари амалга оширилди. «Дойчевелле» билан тузилган шартномага мувофиқ «Камалак-ТВ» Германия телекўрсатувларининг сутка давомидаги трансляциясини ўз «пакет»ларидан бирига киритиш мажбуриятини олди. Элчихона ҳисоб-китобларига кўра, Ўзбекистонда тахминан 900 минг одам немис тилини у ёки бу даражада билади. Энди Германиянинг телекўрсатувлари уларнинг билимларини янада бойитишда ва узоқ мамлакатга бўлган қизиқишларига жавоб беришда кўмак бўлади.

— «Камалак-ТВ» — тўловли тизимдир. Шу муносабат билан айтиш мумкинки, «Немис тўлқини»нинг худди шундай декодери Ўзбекистон давлат телевидениесининг оммавий кўрсатувлари учун ҳам ўрнатилган эди, — дейди бу хусусда МДҲ учун «Немис тўлқини» дастурининг раҳбари Милодраг Сорич, — биз эса, Германия телекўрсатувлари аҳолининг барча қатламларига етиб боришини истар эдик, албатта.

«Немис тўлқини» — Европанинг етакчи телерадиокомпанияларидан биридир. Бинобарин, унинг кўрсатувларини Ўзбекистонда кўриш имконияти, шак-шубҳасиз, телетомошабинларимиз учун яхшигина туҳфадир. Қолаверса, у Ўзбекистон — Германия муносабатлари ривожининг яққол намойиши бўла олади.


ЭЪЛОН

**МАКТАБ БИТИРУВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

Тошкент Алоқа коллежида ўрта махсус билим юртларига кирувчилар учун тайёрлов курслари ташкил этилди.

Маълумот учун 41-19-80, 41-35-58 рақамли телефонларга қўнғироқ қилинг.

***МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 70-уй.***

*Маҳкам МАҲМУД*

# СОҲИБҚИРОН ҚОНУН ВА АХЛОҚ ҲАҚИДА

Соҳибқирон мактаб ва мадрасада ўқиб, отаси ва пирлари-устозлари тарбиясида юрган вақтларидаёқ давлат қонунлари адолат ва ҳақиқатга асосланиши зарурлигини яхши билар эди. Айни вақтда исломий тарбия ҳам иймон, инсоф, диёнат-ахлоқий камолотнинг пойдевори эканлигини ўргатарди. «Куч-адолатда» деган шиорни Амир Темурга барча устозлари жуда катта эътибор билан тушунтиришарди. Ҳирот пири шайх Зайниддин Абу Бакр Тойободий Амир Темурнинг белига давлат камарини боғлаб, бармогига ҳазрати Сулаймон пайғамбарнинг узуги каби куч-қудрат узугини тақиб қўйди. Узукнинг ҳошиясида: «Расти-русти», яъни «Куч-адолатда» деган шиор бор эди. Шайх Зайниддин Тойободий Амир Темурга насиҳат қилиб: «Агар сен худонинг амр-фармонларини бажармасанг, эл-юртда адолат ўрнатмай, жабр-зулм қилсанг, Оллоҳ сенинг ўрнингга бошқа кучлироқ одамни юборади» деб очиқ огоҳлантиради. Амир Темур «Нега шу насиҳатингизни Хуросон подшоҳи малик Ҳусайн (Курт)га айтмадингиз?» деганда шайх унга «Биз маликка буни тушунтирганмиз. Аммо у худонинг амрига қулоқ солмагани (адолатли иш тутмагани) учун худо унинг ўрнига сени юборди. Агар сен ҳам (Қуръон ва шариатга) амал қилмасанг, бошқа одам ўрнингга келади» дейди. Шундан сўнг Амир Темур устозига таъзим қилиб, умр бўйи амал қилишга сўз берди.

Алишер Навоий «Насойимул-муҳаббат» асарида ёзишича, Сайид Жалолиддин Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд сўнгги ҳаж сафари олдидан шайх Зайниддин Тойободий зиёратига бориб, бу устозининг дуосини олган. Амир Темур ўз сўзининг устидан чиқди. Адолатли ишлари билан, халққа жабр-зулм қилганларни жазолаш билан, шариат ва умуминсоний адолат қонунларига амал қилиб, етти иқлим халқларининг бошини бирлаштириб, буюк ва қудратли давлатни бунёд этди.

Барча ишончли манбалар соҳибқироннинг ўтмишдаги буюк давлатлар тарихини яхши билганлигидан гувоҳлик беради. Чунончи, «Темур тузуклари»да Эрондаги қудратли сосонийлар давлатининг қандай инқирозга юз тутгани аниқ далиллар билан изоҳланади:

«Хоқон (Турк хоқони) уч юз минг қонхўр аскари билан Ҳўрмуз ибн Нўширавон (Хусрав 1 нинг ўғли (579-590) устига лашкар тортди. Ҳўрмуз эса (отаси) Нўширавоннинг вазири, маслаҳатчиси ва сипоҳсолорлари (лашкарбоши) бўлмиш Баҳром Чўбинни 320 минг эронийлик аскар билан хоқонга қарши урушга йўллади. У (Баҳром Чўбин) хоқон лашкари билан тўқнашиб, уч кечаю уч кундуз жангу жадал қилди. Охири хоқонни енгиб, бор ҳақиқатни Ҳўрмузга арз қилди (етказди), ўлжа қилиб қўлга киритган бутун мол-мулкни Ҳўрмузнинг ҳузурига жўнатди. (Аммо) ҳасадчилар ва ғийбатчилар Ҳўрмуз мажлисида унга қарши туҳмат қилиб, «Баҳром мол-мулкнинг катта улушини ўзига олиб қолди, хоқоннинг асл қимматбаҳо тошлар билан безатилган қиличи ва тожи, жавоҳирлар қадалган этигини ўзлаштириб олди» дедилар. Ҳўрмуз хомтаъма бўлиб, Баҳромнинг хизматларини унутди. Ғаразгўй ва ғийбатчи кишиларнинг гапларига ишониб, уни (Баҳром Чўбинни) гуноҳкор ва хоин деб билди. Унга аёллар ёпинчиғи, кишан ва занжир юборди. Баҳромнинг бўйнига кишан солиб, оёқларига занжир боғлаб, аёллар кийимини кийишни буюрди. Сўнг ҳузурига амирлар, сипоҳ бошлиқларини чақириб, саройда йиғилган барчага кўрсатди. Саркардалар ва бошқа сипоҳийлар бу ҳолни кўриб, Ҳўрмузга таъна дашномлар ёғдиришди. Ундан ихлослари қайтди. (Баҳром Чўбиннинг садоқати ва мардлигини ҳамма билар эди-да). Кейинчалик Баҳром Чўбин бошчилигида иттифоқ бўлиб, Ҳўрмуз даргоҳига бостириб келдилар. Уни салтанатдан туширибб, Ажам мамлакати салтанатининг тахтига Хусрав Парвизни ўтказдилар. Бу воқеа Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида ҳам муфассал тасвирланган. (Низомий Ганжавийнинг «Хусрав ва Ширин» достони эса Хусравга бағишланган).

Амир Темур ўзи жасур ва моҳир лашкарбоши, дарёдил, мард инсон бўлгани учун ҳам бошқаларнинг худди шундай хислатларини қадрлаган. Ҳасадгўй ва ғийбатчиларнинг гапларига учмай, ўз ақли билан воқеа тафсилотларини аниқлашга интилган. Соҳибқирон лашкарбошиларидан бири Ики Темур (ёки Бек-Темур)ни Дашти Қипчоққа (Олтин Ўрда) Урусхонга қарши урушга жўнатган эди. Бу лашкарбоши душманни енгиб қайттач, соҳибқирон уни мукофотлаб, туман (10 минг қўшин), туғ, алам (байроқ) ва ноғора беради. «Уни давлатимга шерик қилиб, ўзимга маслаҳатчи ва вазир қилиб олдим, — дейди Амир Темур. — Кенгашларимга киритдим ва чегарадаги вилоятлардан бирини унга тақдим этиб, у ернинг амирларини унга бўйсундирдим. Шунда ҳасадчилар у ҳақда (турли уйдирма) гаплар тарқатиб, (Дашти Қипчоқни) талон-торож қилиб, мол-мулкини ўзиники қилиб олди дедилар. Бу гаплари билан ундан кўнглимизни бир оз совутдилар. Бироқ мен Баҳром Чўбин қиссасини эшитиб, тажрибам ошганди. Бу воқеадан сабоқ олганим сабабли, сипоҳийнинг таънаю дашномларига қолиб кетмаслик учун (Бек) Темурни ҳузуримга чорладим. Сарой ходимлари ва халқни тўплаб, мажлис қурдим. (Олтин Ўрда) — Урусхон улушидан ўлжа қилиб олинган бутун мол-мулкни бир ерга тўплаб, (Бек) Темурга ва у билан бирга қилич чопган баҳодирларга ва сипоҳийларга инъом қилдим».

Соҳибқирон ҳаёт тажрибасида бундай воқеалар кўп бўлган. «Темур тузуклари»да Тўхтамишхонга қарши жангда баҳодирлик кўрсатган Тобон баҳодирнинг қилган хизматини ҳасадгўйлар яшириб, айтмасликка уринсалар ҳам, соҳибқирон барибир бу воқеани аниқлаб, жасур жангчига амирлик унвонини беради. Худди шу жангда Тўхтамишхон қўшинларини пароканда қилган юзбоши Барлос баҳодирга Ҳисори Шодмон мамлакати ҳокимлигини беради. Катур (Кофиристон) вилоятида сиёҳпўшлар қўшинини енгган Муҳаммад Озодни Қундуз ва Кўлоб мамлакатларига волий (ҳоким) қилиб тайинлайди. Соҳибқирон бундай адолатли тадбирлари билан оддий одамларни ҳам буюк хизматларга, мардлик ва жасоратга илҳомлантирган.

• МЕРОС

*ЛУҚМОНИ ҲАКИМ*

## ТАБОБАТ

Эрталаб шолғом еган киши йўталга дучор бўлмайди. Яна шолғом нафасни юмшатиб, ўпкани тозалайди ҳам.

***

Овози бўғилган кишига турп уруғи қайнатмаси яхши фойда қилади.

***

Саримсоқни турп ва туз билан еган кишининг оғзи қуриб қолмайди.

***

Тил касалланса пиёз, ялпиз, сулидан бот-бот истеъмол қилинг.

***

Наҳорда пиёз ейдиган кишининг овози тоза, равшан бўлади. Пиёз балғам тушишига кўмак беради, боддан халос қилади.

***

Бинафша гулбарги ва бандидан озгина шарбат сиқиб, унга уч мисқол шакар қўшиб ичилса, киши сафро ортиқчалигидан қутулади, ичакларининг ишлаши яхшиланади, йўтал қолади, томоқнинг қичимсиши тўхтайди.

***

Одам доим ташна бўлса, суюқликни кўп истеъмол қилса, қизил ғиштни гулханда тоблаб, кейин уни сувли идишга солсин, сувни тиндириб қўйиб ичсин, фойда қилади.



• Ажаб дунё

## ҚАБРДАН «ҚЎНҒИРОҚ»

Америкалик Томас Коннели Кингстон шаҳрининг Хумбер дарёси яқинида истиқомат қилади. Умр йўлдоши Маргарет 1987 йилда ўсма касаллигидан вафот этган. Икки ўғли — Бригутту 11 ёшда, Том 7 ёшда етим қолганди.

1987 йилнинг июнида банк хизматчиси Томас Коннели ишдан уйига кеч қайтди. Ўғли Томнинг тўшакда ётганини кўрди. Боланинг иситмаси баланд эди. Гарчи мактабдагилар уни эрталаб уйига қайтариб юборган ва шифокор чақиришни маслаҳат берган бўлсаларда, Том бунга риоя этмади. Отасига ҳам ҳеч нарса демади. Ўғлининг касаллигини билмаган ота бамайлихотир уйқуга кетди.

Ярим тунда Томас телефон қўнғироғидан уйғониб кетди.

—Коннели эшитади, — деди уйқусираб. —Нима гап?

—Томас, тезда Том ётган уйга югур ва дўхтир чақир. У ўлим билан олишяпти.

—Нима, нима? — қайта сўради Томас.

—Агар сен «Тез ёрдам»ни чақиртирмасанг, Том ҳалок бўлади. Илтимос, тезроқ бўл...

Коннели нариги хонага ўтиб, ҳақиқатдан фарзанди ҳушсиз ётганини кўрди. Дўхтир чақиртирди. Ўн дақиқада етиб келган халоскорлар Томни касалхонага олиб кетишди.

Анча ҳушёр тортган Томас ўн дақиқа илгари қўнғироқ қилган ўзининг марҳум хотини эканини унинг таниш овозидан сезди.

Томнинг ҳаётини сақлаб қолишди. Мабодо яна бир неча дақиқа кечикилса, унинг яшаши қийин эди. Уч ҳафтадан сўнг отаси ўғлини касалхонадан олиб келди.

—Яхшиямки мен қайта уйланмаганман, —деди Коннели дўхтир Говардга. —Билмайман, қандай ва қайси бир оламда хотиним Маргарет яшаяпти.

Бу воқеани дўхтир Говард 1991 йилда Римда ўтказилган тиббиёт симпозиумида гапириб берди. Мунозаралар даврида яна бир неча шифокор шундай ҳолнинг гувоҳи бўлганликларини айтишди.

*Баҳодир ЭГАМОВ тайёрлади*

Поезд купесида ёлғиз ўтирган йўловчи ҳузурига қўлида тўппонча билан кирган қароқчи дўқ урди:

— Қани, тезда пулларни чиқар!

— Менда сариқ чақа ҳам йўқ...

— Унда нега бунчалик қалтираяпсан?

— Мен сизни патта текширадиган назоратчи деб ўйлабман.

***

Кайфи ошиб қолган уч оғайни ўзаро оғиз кўпиртириб мақтанишарди:

— Мен Антарктидада китнинг нақ калласини мўлжалга олиб отиб ташлаганман! — деди улардан бири.

— Мен эсам Узоқ Шарқда шу оддий қўлларим билан йўлбарсни бўғиб ўлдирганман! — деди иккинчиси.

## ЯНГИ ЛАТИФАЛАР

— Ҳаммаси бўлмаган гап! — дея қўл силтади учинчи улфат. — Ўлик денгизни эшитганмисизлар? Уни мен ўлдирганман!

***

Янги ўрис бойваччаси ногоҳ юрагини чангаллаб, котибасига деди:

— Марина, зудлик билан Кремлдаги касалхонани хусусийлаштиринглар. Чамаси, инфаркт бўлганга ўхшайман.

***

Банк директори ишга кираётган ҳисобчидан сўради:

— Олдинги ишингизда қанча вақт ишлагансиз?

— Тўрт йил.

— Нега бўшадингиз?

— Умумий авф эълон қилинди-да.

***

Қамоқхонада инспектор маҳбусдан сўради:

— Нега бу ерда ўтирибсиз?

— Қўйворишмаяпти-да!

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўривой АҲМЕДОВ ОТАУЛИ
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш №000011. Буюртма № Г-0257. 11191 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

